

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03. 2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

АТАБАЕВА МАЪМУРАХОН САДИРДИН ҚИЗИ

**“ҒЎЗА ВА УНИНГ МАЖМУИДАГИ ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШДА
ЭКИШ ОЛДИДАН ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ (Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида)”**

06.01.01 – Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

УЎК: 633.51:631.559

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (DSc) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Атабаева Маъмурахон Садирдин қизи

Вўза ва унинг мажмуидаги экинларни етиштиришда экиш олдида
ишлов бериш усуллари илмий асослари (Андижон вилоятининг оч
тусли бўз тупроқлари шароитида)..... 3

Атабаева Маъмурахон Садирдин қизи

Научные основы предпосевной обработки почвы при возделывании
хлопчатника и культур хлопкового комплекса (в условиях светло-
сероземных почв Андижанской области)..... 29

Atabayeva Mamurakhon Sadirdin qizi

Research results of pre-sowing tillage under cotton growing and crops
within cotton cultivation (in the conditions of light sierozem soils of the
Andijan province)..... 57

Эълон қилинди ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

АТАБАЕВА МАЪМУРАХОН САДИРДИН ҚИЗИ

**“ҒЎЗА ВА УНИНГ МАЖМУИДАГИ ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШДА
ЭКИШ ОЛДИДАН ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ (Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида)”**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Кипшлок хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.DSc/Qx210 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Амдижон кипшлок хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Олий кенгаш веб-саҳифасини (www.ola.uz) ҳамда «ZiyouNet» ахборот-таълим ширкати (www.ziyounet.uz) мавзусига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Қарабаев Ибраҳим Турдиевич кипшлоқ хўжалиги фанлари доктори, янги илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Насиров Бахтиёр Салахиддинович кипшлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ибрагимов Одилжон Олимжонович кипшлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Тўхтақўиев Абдусалим техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали

Фан доктори (DSc) диссертация ҳимояси Тошкент Давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20.05 2023 йил соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қўнрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; E-mail: tiag_info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қavat, кичик мажлислар зали)

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Тошкент Давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танитиш муҳозираси № 544562 рақамли билан рўйхатга олинган. Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қўнрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2023 йил 4 05 да тарқатилди.
(2023 йил 4 05 даги 6 рақамли реестр байдномаси).



U. Norqulov
У.Норқуллов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

A.A. Ibratov
А.А.Ибратов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.д., профессор

F.K. Namozov
Ф.К.Намозов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш комиссияси илмий
секретари раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. “Бугунги кунда, дунё деҳқончилигида тупроққа экинларни экиш олдидан ресурстежамкор, комбинацион агрегатлар ёрдамида ишлов бериш агротехнологияси асосида 100 млн. гектардан ортиқ майдонларда экинлар парваришланмоқда ва бу технологиянинг афзаллик томонларидан бири экинларни экиш олдидан сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатларини 40 % гача ҳамда ишчи кучи харажати 25% гача қисқаришга эришилмоқда”¹. Тупроққа комбинацион агрегатлар ёрдамида ишлов беришнинг ресурстежамкор технологияларини кенг жорий этиш орқали ёқилғи-мойлаш материалларини тежаш, тупроқнинг агрофизик хоссаларини яхшилаш, экинлардан таннарҳи паст, юқори ва сифатли ҳосил олишга эришиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни парваришlashда бошоқли дон экинлардан сўнг мақбул такрорий экинларни етиштиришда ерларни қисқа муддатда экишга тайёрлаш ва улардан қоладиган илдиз-анғиз қолдиқлардан самарали фойдаланиб, ғўза парваришlashда тупроқ унумдорлигини яхшиловчи ресурстежамкор илғор технологияларни кенг жорий этиш, юқори унумли техника воситаларидан фойдаланишда майдонга бир киришда бир нечта амалиётни ўтказиш натижасида ёқилғи-мойлаш материалларини, минерал ўғитларни тежалиши ҳисобига тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, агрофизик ҳамда агрокимёвий хоссаларини яхшилаш, ўтмишдош экинларни илдиз-анғиз қолдиқлари ҳисобига чиринди микдорини ошириш билан бирга таннарҳи паст, экологик соф маҳсулот етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тупроққа ишлов беришни минимал усулда комбинацион агрегатлар ёрдамида ишлов бериш агротехнологияларини илмий асослаш натижасида, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларини яхшилаш, аҳолининг озиқ-овқатга ва чорванинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжларини қондириш, ғўза ва унинг мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlashда тупроққа асосий ишлов беришнинг ресурстежамкор минимал усулларида комбинацион агрегатлар ёрдамида олиб бориш, ЁММ, сув, минерал ўғитлар ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»²ги фармонининг 6-бандида “...атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш” муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республикамизда ғўза ва унинг мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли

¹https://www.researchgate.net/publication/348106422_Energy-saving_tillage_with_a_combined_unit_with_universal_working_bodies

² «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ПФ-5859, Тошкент 2019 йил 23 октябрь

ҳосил етиштиришда ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказиш зарурияти юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ- 5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 июлдаги 578-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ерга экиш олдидан комбинацион усулларда ишлов бериш, тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, асосий ва такрорий экинларни парваришlashда ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Australian Cotton Research Institute (Австралия), Department of Farm Machinery and Power Engineering, College of Agricultural Engineering and Technology, Anand Agricultural University (Хиндистон), Brazilian Agricultural Research Corporation (Бразилия), National Institute of Agricultural Technology (Аргентина), Российская Академия наук (Россия) ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтларида (Ўзбекистон) изланишлар олиб борилмоқда.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда ғўза ва унинг мажмуидаги экинларидан юқори, сифатли ҳосил олишда ерга экиш олдидан ресурстежамкор технологияларни қўллаш ва шу соҳа бўйича дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: тупроққа минимал усулда комбинацион агрегатлар ёрдамида ишлов берилиши натижасида тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссаларини яхшиланиши аниқланган (United State Department Agricultural, Cotton Research Institute CRI); кузги буғдой ва такрорий экинларни экиш олдидан тупроққа минимал усулда ишлов бериш орқали ёқилғи-мойлаш материалларининг тежалишига, тупроқнинг агрофизик хоссаларини яхшиланишига ва юқори иқтисодий самарадорликка эришилган (Australian Cotton Research Institute Австралия, Department of Farm Machinery and Power Engineering, College of Agricultural Engineering and Technology, Anand Agricultural University Хиндистон); кузги

буғдой ҳамда такрорий экинларни етиштиришда ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш ҳамда уларни илдиз-анғиз қолдиқларидан самарали фойдаланиш, ғўзани парваришlashда тупроққа экиш олидан комбинацион агрегат ёрдамида ишлао бериш технологиялари ишлаб чиқилган (Brazilian Agricultural Research Corporation).

Ҳозирги кунда кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда экиш олдидан минимал усулда, ғўзани парваришlashда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошриш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш бўйича куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда экиш олдидан минимал усулда, ғўза парваришlashда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиниб, пушта остига суюқ аммиак қўллаш билан бирга ўтмишдош экинларнинг қолдиқларидан чуқурга кўмиш технологиясини яратиш; тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашни таъминловчи тупроққа экиш олдидан янги ресурстежамкор комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда турли тупроқ шароитларида ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни парваришlashда Тупроққа асосий ишлов беришни турли усул ва чуқурликлари бўйича С.Н.Рыжов, А.Қ.Қашқаров, В.П.Кондратюк, Ю.А.Погосов, Л.Мякишев, Қ.Мирзажонов, Ш.Нурматов, С.Саидумаров, М.Тошболтаев, О.Махмудов, Ф.Хасанова, Н.Ибрагимов, Н.Ўразматов, Ш.Саломов, А.Ҳайдаров, И.Карабаев, И.Абдурахмонов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Шунингдек, хорижий давлатларда G.Basch, T.Friedrich, A.Kassam, E.Gonzalez-Sanchez, C.A.Cambardella, R.Derpsch, R. Keynote, S.Jlicevici, A.Radu, M.Coifan, John N.Landers, J.Li, I.Shinobu, Z.Li, E.A.Egrinya каби олимлар томонидан бир қанча ресурстежовчи технологиялар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологиясини, яъни замонавий комбинацион агрегат ёрдамида тупроққа 35-40 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла пушта олиш ва пушта остига азотли ўғитлар ҳисобидан суюқ аммиакни қўллаш, ушбу технология асосида ишлов беришни тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссаларига ҳамда экинларни ўсиш ва ривожланишига таъсирини илмий асослаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг “Истикболли ғўза навларининг ўтлоқи тупроқ шароитида навбатлаб экиш далаларида озиқа режимини ўрганиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда № ҚХА-7-016 “Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитида тупроққа асосий ишлов беришнинг янги комбинацияли ишлов бериш агротехнологиясида ғўзани озиқлантириш ва суғориш тартибларини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй), № МВ-ҚХ-А-ҚХ -2018-192 “Янги юқори унумли комбинацион техникалар ёрдамида ерга ишлов

беришнинг тупроқ зичланишига таъсири ва ғўза, кузги буғдой, такрорий экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда экиш олдида минимал усулда, ғўза парваришlashда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиниб, пушта остига суюқ аммиак қўллаш технологиясининг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда экинлардан юқори ва эртаги ҳосил етиштиришнинг ресурстежамкор агротехнологиясини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тупроқнинг агрофизик ҳамда агрохимёвий хусусиятларига ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни экиш олдида тупроққа ресурстежамкор усулда ишлов беришнинг таъсири аниқлаш;

тупроқнинг макро ва микроструктурасига анъанавий, минимал ҳамда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериш усуллари бир-бирига тақосланган ҳолда таъсири аниқлаш;

ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлар уруғларининг униб чиқиши, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига тупроққа экиш олдида турли усулларда ишлов беришнинг таъсири аниқлаш;

ишлов бериш усуллари бир-бирига тақосланган ҳолда бир кўсаддаги пахта вазни ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқлаш;

ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни парваришlashда тупроққа экиш олдида турли усулларда ишлов беришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оч тусли бўз тупроқлар, ресурстежамкор агротехнология, суюқ аммиак, ғўзанинг Андижон-36, кузги буғдойнинг “Антонина”, ясмиқнинг “Дармон”, ерёнғоқнинг “Саломат”, кунгабоқарнинг “Жахонгир”, ловиянинг “Равот” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ресурстежамкор технологиялар, анъанавий усул, минимал усул, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериш, ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни ўсиш-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотлар лаборатория ва дала шароитида олиб борилиб, бунда «Методика полевых опытов с хлопчатником», «Методы агрофизических исследований почв Средней Азии», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалари асосида, тажрибалардан олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

илк бор Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlashда тупроққа экиш олдида ишлов

беришнинг ресурстежамкор агротехнологияси илмий асосланган;

комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиб, пушта остига азотли ўғитни 100 кг/га микдорида суюқ аммиак шаклида қўлланилганда, тупроқнинг ҳайдов қатламидаги гумус микдори 0,004% гача, кузги буғдой ва такрорий экинларни парваришlashда ерга минимал усулда ишлов бериб, ғўзани парваришlash учун комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилганда эса 0,019% гача ортганлиги аниқланган;

кузги буғдой ва такрорий экинларни парваришlashда минимал усулда ишлов бериб, ғўза парваришlash учун комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига азотни суюқ аммиак шаклида қўлланилганда ҳайдов қатламида тупроқнинг ҳажм массасини 0,060-0,087 г/см³ гача камайиши, ғоваклик 2,2-3,2% гача, донадорлик 2,7-2,4 % гача, сувга бардошли фракциялар микдори 6,5-4,4 % гача, сув ўтказувчанлик жами 6 соатда 154,4 м³/га гача ортиши аниқланган;

кузги буғдой ва такрорий экин ерёнғокни парваришlash учун минимал усулда ишлов берилиб, ғўза парваришlashда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, азотли ўғитни пушта остига суюқ аммиак шаклида қўлланилганда ҳайдов қатламда тупроқнинг ҳажм массаси 0,085-0,054 г/см³ гача камайиши, ғоваклиги 3,1-2,0 % гача ортиши, такрорий экин сифатида ерёнғок парваришланиши ҳисобига эса (кунгабоқар майдонига нисбатан) ҳажм массаси 0,031 г/см³ гача камайиши, ғоваклик эса 1,1% гача, донадорлик 4,4-5,9 % гача ортиб бориши аниқланган;

кузги буғдой, такрорий экинлар (ясмиқ, ерёнғок, кунгабоқар, ловия) ни етиштиришда ерга минимал усулда, келгуси йил ғўза парваришlash учун майдон комбинацион агрегат билан ишлов берилганда соф фойдани 0,736 - 3,397 минг сўмгача, рентабеллик даражаси эса 7,0-25,6% гача юқори бўлиши, такрорий экин ерёнғок етиштирилган фонда ғўза парваришландида эса соф фойдани 1,300-3,150 минг сўмгача, рентабеллик даражасини 9,5-24,3% гача юқори бўлиши ҳисобига бу технологияни иқтисодий самарадорлиги юқори эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда минимал усулда, ғўза парваришlashда тупроққа комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш, мавжуд пушта остига 100 кг/га микдорида суюқ аммиак шаклида азотли ўғит солинганда тупроқдаги ҳароратни мақбул шароитда бўлиши натижасида кузги буғдой ва такрорий экинлар уруғларини 9-10 кунга, чигитларни униб чиқиши 4-5 кунга тезлашишига эришилган;

кузги буғдой ва такрорий экинларни парваришlashда ерга минимал усулда ишлов бериб, ғўзани парваришlash учун комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига суюқ аммиак қўлланилганда гумус микдорини 2 йилда 0,016-0,019% гача ортиб боришига эришилган;

кузги буғдой ва такрорий экинлар (ясмиқ, ерёнғок, кунгабоқар, ловия) ни парваришlashда минимал усулда ишлов бериб, ғўзани парваришlash учун комбинацион агрегат ёрдамида пушта остига азотли ўғитни суюқ аммиак шаклида солинганда, дастлабки (2018 й.) ҳолатига нисбатан (2020 й.)

тупроқнинг ҳажм массасини камайиши, ғоваклик ҳамда донадорликни ортиши натижасида сувга бардошли фракциялар миқдори 6,5-4,4% гача ортиши аниқланган;

кузги буғдой ва такрорий экин сифатида ерёнғоқни парваришlash учун минимал усулда, ғўза парваришlashда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига суюқ аммиак қўлланилганда ишлов беришдан олдинги такрорий экин сифатида кунгабоқар етиштирилган майдонга нисбатан тупроқнинг ҳажм массасини 0,031 г/см³ гача камайиши, ғоваклигини эса 1,1% гача, донадорлик эса 4,4-5,9% гача, сув ўтказувчанлик жами 6 соатда 60,6 м³/га гача юқори бўлишига эришилган;

кузги буғдой, такрорий экинлар (ясмиқ, ерёнғоқ, кунгабоқар, ловия) ни етиштиришда ерга минимал усулда, келгуси йил ғўзани парваришlash учун майдон комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, азотли ўғитни пушта остига суюқ аммиак шаклида қўлланилганда ишлов беришнинг бошқа фонларига нисбатан соф фойдани 0,736-3,397 минг сўмгача, рентабеллик даражаси эса 7,0-25,6% гача юқори бўлиши, такрорий экин сифатида ерёнғоқни етиштиришган фонда ғўза парваришланганда соф фойдани 1,300-3,150 минг сўмгача, рентабеллик даражасини 9,5-24,3% гача юқори бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда математик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларини маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳолангани ва тадқиқот натижалари, ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни экиш олдида ресурстежамкор агротехнологиялари ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги натижаларнинг ишончилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда минимал усулда, ғўзани парваришlashда тупроққа комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш, мавжуд пушта остига азотли ўғитлар йиллик меъёри ҳисобидан 100 кг/га миқдорида суюқ аммиак шаклида солинганда тупроқ унумдорлигини ошириш, агрофизик, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларининг яхшиланганлиги, пировард натижада ғўза ва унинг мажмуидаги экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига ижобий таъсир этишини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тупроққа ишлов беришда ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаилганда анъанавий усулда ишлов берилганга нисбатан ЁММ сарфини қисқариши, ишчи кучи сарфини камайиши, экинлар уруғларини дала шароитида униб чиқишини тезлашиши, эртаги ва юқори ҳосил етиштириш ҳисобига иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги исботланиб, ишлаб чиқаришга бевосита жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза ва унинг мажмуидаги экинлар экиш олдидан Тупроққа ишлов беришни ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда экинлардан мўл ҳосил етиштиришни илмий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

кластер ва фермер хўжаликлари учун “Ўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ресурстежамкор технологиянинг самарадорлиги” ҳамда “Ўза ва унинг мажмуидаги экинларни етиштиришда экиш олдидан ишлов бериш усуллари илмий асослари (Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида)” номли тавсияномлар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 февралдаги №07/21-21-05/421-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар бугунги кунда фермер хўжаликлари ҳамда кластерларда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlashда экиш олдидан ерга ишлов беришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни парваришlashда экиш олдидан тупроққа ресурстежамкор комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилиб, пушта остига ўтмишдош экинларнинг илдиз-анғиз қолдиқларини ҳамда суяқ аммиак қўллаш агротехнологияси Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида 185,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 февралдаги №07/21-21-05/421-сон маълумотномаси). Натижада, техника воситаларини майдонга 25-30% гача кам кириши натижасида тупроқнинг ҳажм массасини 0,040 г/см³ гача камайиши, ғоваклигини 0,2-0,5% гача ортиши, сув ўтказувчанлигини 21,3-199,1 м³/га гача кўп бўлишига эришилган;

кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда минимал, ғўзани парваришlashда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилиб, пушта остига суяқ аммиак қўллаш технологияси Андижон вилоятининг Андижон туманида 70,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 февралдаги №07/21-21-05/421-сон маълумотномаси). Натижада, ЁММ сарфини 17-18% гача қисқариши ва ишчи кучи харажатларини 30-35% гача камайиши натижасида рентабеллик даражаси 17,5-19,6% гача ортиши кузатилган.

кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда минимал, ғўзани парваришlashда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилиб, пушта остига суяқ аммиак қўллаш технологияси Фарғона вилоятида 85,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 февралдаги №07/21-21-05/421-сон маълумотномаси). Бунда, ўтмишдош экин сифатида етиштирилган кузги буғдой ва такрорий экин ерёнғокни тупроқда қолдирадиган илдиз-анғиз қолдиқларини чуқур кўмилиши ҳамда улардан самарали фойдаланиш ҳисобига келгуси йили парваришланган ғўзанинг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши яхшиланиб, пахта ҳосили 42,9-44,6 ц/га ни ташкил этиб, кўшимча 3,8-4,5 ц/га гача пахта ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик

ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 5 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола ва 1 та тавсия чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазибалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва инновацион технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинди натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилди ишлар ва Диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ерга турли усул ва чуқурликда ишлов беришни ғўза ва унинг мажмуасидаги экинларнинг ҳосилдорлиги ҳамда тупроқ унумдорлигига таъсири бўйича маҳаллий ва хорижий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар юзасидан маълумотлар келтирилган бўлиб, тупроқ унумдорлигини инобатга олинди холда ишлов бериш усуллари, турли экиш усуллари ва тизимларининг ғўза ва унинг мажмуидаги экинларнинг ҳосилдорлигига таъсири бўйича кўплаб тадқиқотчиларнинг олиб борган маҳаллий ва хорижий олимларнинг маълумотлари баён қилинган. Адабиётлар шарҳини хулоса қисмида Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида, ғўза ва унинг мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун Тупроқга турли усул ва чуқурликларда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиб, пушта остига минерал ўғитларнинг йиллик меъёри ҳисобидан азотни суюқ аммиак қўллаш агротехнологияларни такомиллаштириш натижасида тупроқ унумдорлиги, агрофизик ва агрохимёвий ҳолатларини яхшиланиши, парваришланадиган экинларнинг ўсиш-ривожланишига ҳамда ҳосилдорлигига таъсири илмий асослаб ишлаб чиқаришга тавсия қилиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот

ўтказиш услублари, тажрибада экилган нав тавсифи, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Дала тажрибалари Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Давр ҳамкорлиги” ҳамда “Оқ сув” экспериментал фермер хўжаликларида олиб борилган бўлиб, тажриба даласи эскидан суғориладиган оч тусли бўз, механик таркиби ўртача кумоқ, сизот сувлари 4,0-5,0 метр чуқурликда жойлашган тупроқлар шароитида, гумус ва ялпи азот миқдори тегишли равишда 0,8-0,9 ва 0,05-0,09 % ни ташкил этиши қайд қилинган.

Тадқиқот ўтказиш давомида тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр ёрдамида ғоваклиги формула билан ҳисоблаш йўли билан Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги С.Н.Рыжов усулида, тупроқнинг донадорлиги ва сувга бардошли фракциялар миқдорини Н.А.Качинский ҳамда С.Н.Рыжов, Л.Н.Слесарева услублари ёрдамида аниқланди. Тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий NPK И.М.Мальцева ва П.П.Гриценко, тупроқнинг механик таркиби М.Братчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб, пипетка усулида аниқланган. Фенологик кузатувлар ва тупроқ ҳамда ўсимлик намуналарини олиш “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” ЎзПИТИ нинг услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган. Тажрибанинг қайтариқлар ва вариантлар бўйича ҳосилдорликларини математик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасида баён қилинди ҳамда кўп омилли дисперсион таҳлил услуги асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «Ерга экишдан олдин турли усулда ишлов бериб, ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни парваришlashда тупроқнинг агрокимёвий хусусиятларига таъсири» деб номланган учинчи бобида ерга ишлов беришда, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиб, пушта остига азотли ўғитни йиллик меъёри ҳисобидан суюқ аммиакни турли меъёрларда қўлланилганда тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига турлича таъсир баён этилган.


Маълумки, суюлтирилган аммиак Тупроқга киритилганда, тезда газ ҳолатига ўтиб, тупроқнинг коллоид фракцияси томонидан ютилади, физикавий-кимёвий ютилишдан ташқари нитрификация жараёнига ҳам учрайди ва Тупроқга ютилиши натижасида гумус миқдори ўзгариши кузатилиб, бу эса тупроқнинг механик таркиби, намлиги ва кўмилиш чуқурлигига боғлиқдир. Тупроқга комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш, кузда пушталар остига 100 кг/га меъёрда суюқ аммиак солиниди, тупроқдаги гумус миқдори 0,014-0,009 % гача, умумий азотни 0,007-0,005 % гача, фосфорли моддаларни эса 0,009-0,005 % гача кўпайиши кузатилган.

Кузги буғдой ва такрорий экин сифатида ерэнғокни етиштиришда Тупроқга минимал усулда ишлов бериб, ғўза парваришlash учун комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак шаклида солиганида дастлабки (2018 й.) ҳолатига нисбатан (2020 й.) гумус 0,021%, умумий азот 0,006%, фосфор 0,012%, ҳаракатчан нитратли азот 1,2 мг/кг, фосфор 2,6 мг/кг, калий эса 26 мг/кг гача, барча экинларни парваришlashда доимий ҳайдов ўтказилганга нисбатан кўрсаткичлар мос

равишда 0,007; 0,001; 0,002; 0,2; 0,3; 6,0 гача, кузги буғдой, такрорий экинларни минимал усулда, ғўза парваришлаш учун ҳайдов ҳамда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилган фонларга нисбатан 0,005-0,011; 0,001; 0,001-0,002; 0,1-0,2; 0,2-0,4; 5,0-7,0 гача ортиб, яхшиланиши, лекин доимий комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак қўлланилган технологияга нисбатан катта фарқ кузатилмаган.

Диссертациянинг “**Ерга экишдан олдин турли усулда ишлов бериб, ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни парваришлашда тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсири**” деб номланган тўртинчи бобда Тупроқга турли усул ва чуқурликда ишлов бериб, ғўза парваришлашни тупроқнинг ҳажм масса ҳамда ғоваклиги, дондорлиги, сувга бардошли фракциялар миқдори ва сув ўтказувчанлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Ғўза парваришлашда ерни комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига 100 кг/га меъёрида суюқ аммиак шаклида солиниб, чигитни якка ҳамда қўшқатор усулларда экиб, парваришланганга (назорат) нисбатан тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,017-0,027 г/см³ гача, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 0,021-0,038 г/см³ гача камайиши, ғоваклиги эса қатламларга мос равишда 0,6-1,0; 0,8-1,4% гача ортиши кузатилган (1-расм).



1-расм. Ерга турли усулда ишлов бериб, якка қатор усулда ғўза етиштиришни тупроқнинг ҳажм массаси ҳамда ғоваклигига таъсири, (0-30 см қатламда, 2015-2017 йй).

2018-2020 йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотларда кузги буғдой ва такрорий экинларни (ясмик, ерёнғоқ, кунгабоқар, ловия) етиштиришда тупроққа минимал усулда ишлов бериб, ғўза парваришлашда 35-40 см чуқурликда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак шаклида солиниб, ғўзанинг амал даври охирига келиб ҳайдов (0-30 см) қатламида ўтмишдош экин турларига қараб тупроқнинг ҳажм массаси 0,027 г/см³ гача камайиши, ғоваклиги эса 1,0 % гача ортиши, дастлабки (2018 й.) ҳолатига нисбатан ҳажм массаси 0,060- 0,087 г/см³ гача камайиши, ғоваклиги эса 2,2-3,2% гача ортиб яхшиланиши кузатилган (1-жадвал).

Ерга турли усулда ишлов беришни дастлабки ҳамда такрорий экинларнинг амал ўсув даври охирида тупроқнинг ҳажм массасини ўзгариши, г/см³ (хайдов (0-30 см) қатламда) (2018-2020 йй.)

№	Тупроқга ишлов бериш усули	2018 й.		2018/ 2019 йй		2019 й		2020 й.			
		Ҳажм масса, г/см ³	Ғоваклиги, %	Ҳажм масса, г/см ³	Ғоваклиги, %	Ҳажм масса, г/см ³	Ғоваклиги, %	Ҳажм масса, г/см ³	Ғоваклиги, %	Ғоваклиги, %	
		Ишлов беришдан олди		Амал даври охири		Амал даври охири		Амал даври боши		Амал даври охири	
1	Ерни доимий 35-40 см чуқурликда хайдаш+бороналаш+молалаш+экиш (Назорат)	1,465	45,7	1,442	46,6	1,348	50,1	1,344	50,2	1,392	48,4
1,345						50,2	1,339	50,4	1,377	49,0	
1,354						49,9	1,347	50,1	1,409	47,8	
1,351						50,0	1,342	50,3	1,393	48,4	
5	Ерни доимий 35-40 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландлиқка пушта олиш+экиш	1,465	45,7	1,427	47,1	1,341	50,3	1,329	50,8	1,382	48,8
1,339						50,4	1,325	50,9	1,373	49,1	
1,344						50,2	1,341	50,3	1,396	48,3	
1,342						50,3	1,331	50,7	1,384	48,7	
9	Кузги бугдой ва такрорий экинлар учун минимал усулда ишлов бериш (10-12 см чуқурликда) + ғўза парваришларида 35-40 см чуқурликда шудгорлан.	1,465	45,7	1,449	46,3	1,356	49,8	1,345	50,2	1,405	48,0
1,341						50,3	1,340	50,4	1,385	48,7	
1,363						49,5	1,355	49,8	1,422	47,3	
1,359						49,7	1,347	50,1	1,401	48,1	
13	Кузги бугдой ва такрорий экинлар учун минимал усулда ишлов бериш (10-12 см чуқурликда) + ғўза парваришларида 35-40 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландлиқка пушта олиш	1,465	45,7	1,441	46,6	1,356	49,8	1,344	50,2	1,402	48,1
1,355						49,8	1,338	50,4	1,384	48,7	
1,365						49,4	1,351	50,0	1,404	48,0	
1,358						49,7	1,345	50,2	1,396	48,3	
17	Ерни доимий 35-40 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландлиқка пушта олиб, пуштани 30-35 см остига минерал ўғитларни йиллик меъёри азотни 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак ҳолда, қолган 100 кг/га ғўзанинг амал даври давомида аммиак селитра шаклида солинад	1,465	45,7	1,424	47,3	1,343	50,3	1,328	50,8	1,377	49,0
1,341						50,3	1,321	51,1	1,37	49,3	
1,348						50,1	1,334	50,6	1,397	48,3	
1,341						50,3	1,332	50,7	1,387	48,6	
21	Кузги бугдой ва такрорий экинлар учун минимал усулда ишлов бериш (10-12 см чуқурликда) + ғўза парваришларида 35-40 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландлиқка пушта олиб, пуштани 30-35 см остига минерал ўғитларни йиллик меъёри азотни 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак ҳолда, қолган 100 кг/га ғўзанинг амал даври давомида аммиак селитра шаклида солинад	1,465	45,7	1,452	46,2	1,352	49,9	1,339	50,4	1,391	48,5
1,35						50,0	1,331	50,7	1,378	49,0	
1,359						49,7	1,347	50,1	1,405	48,0	
1,353						49,9	1,342	50,3	1,395	48,3	

Олиб борилган 2019-2022 йиллар мобайнидаги тадқиқотларда ғўза, кузги бугдой, такрорий экин сифатида ерэнғоқ, сўнг келгуси йили яна ғўза парваришлари учун ерни доимий равишда 35-40 см чуқурликда хайдов ўтказилиб, бороналаш, молалаш тадбирлари олиб борилгандан сўнг пушта олиб, экиш тадбирлар мажмуаси қўлланилган майдонда (ерэнғоқ экилган фонда) ғўзанинг амал даври охирига (2022 й.) келиб, тупроқнинг ҳажм массаси дастлабки (2019 й.) ҳолатга нисбатан йиллар мобайнида олиб борилган узлуксиз хайдовлар ҳисобига қатламларга мос равишда 0,083-0,063; 0,096-0,082 г/см³ гача камайиши, ғоваклиги 3,1-2,3; 3,6-3,0% гача ортиши, такрорий экин сифатида ерэнғоқ парваришлари ҳисобига эса (кунгабоқар майдонига нисбатан) ҳажм масани 0,020-0,014 г/см³ гача камайиши, ғоваклиги эса 0,7-0,5% гача ортиб бориши аниқланган. Кузги бугдой ва такрорий экинлар (ерэнғоқ, кунгабоқар) парваришлари учун минимал усулда ишлов бериб (10-12 см чуқурликда), ғўза парваришларида комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак қўлланилганда дастлабки, ишлов беришдан олдинги (2019 й.) ҳолатга нисбатан тупроқнинг ҳажм массаси хайдов (0-30 см) қатламида 0,085-0,054 г/см³ гача, хайдов ости (30-50 см) қатламда 0,114-0,083 г/см³ гача камайиши, ғоваклиги эса мос равишда 3,1-2,0; 4,2-3,1 % гача ортиши, такрорий экин сифатида ерэнғоқ парваришлари ҳисобига эса (кунгабоқар майдонига нисбатан) ҳажм масани 0,031 г/см³ гача камайиши, ғоваклиги эса 1,1% гача ортиб бориб яхшилангани кузатилган (2-расм).


Ўзгани 2015-2017 йиллар мобайнида ғўзанинг амал даври охирига келиб, ерга асосий ишлов беришнинг анъанавий, яъни ерни 30-35 см чуқурликда омоч ёрдамида шудгорланган (назорат), ғўзани яқка ҳамда қўшқатор усулларида парваришланганда амал даври бошидаги кўрсаткичга нисбатан қатламларга мос

равишда тупроқнинг агрономик жиҳатдан қимматли фракциялар миқдори 3,1-3,0% гача камайиб бориши, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак шаклида қўлланилганда, анъанавий усулга нисбатан олиб бориладиган тадбирларни 4 мартага қисқартиши натижасида хайдов ҳамда хайдов ости қатламларда назоратга нисбатан 2,5% гача ортиб бориши, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига 200 кг/га миқдорда суюқ аммиак солинидига нисбатан аммиакни миқдорини 50% га қисқартириш ҳисобига эса 2,2% гача ортишига эришилган.




2-расм. Тупроқга турли усулда ишлов бериб, пушта остига суюқ аммиак қўллашнинг тупроқнинг ҳажм масса ва ғоваклигига таъсири.

Олиб борган 2018-2020 йиллардаги тадқиқотларда кузги буғдой, такрорий экин сифатида ясимқ, ерёнғоқ, кунгабоқар, ловия етиштирилиб, сўнг 2020 йили ғўза экинини парваришlash учун майдон доимий равишда 35-40 см чуқурликда хайдов олиб борилганда тупроқнинг агрономик жиҳатдан қимматли заррачалар миқдори дастанки ишлов беришдан олдинги (2018 й) ҳолатга нисбатан 2,3% гача ортиб, яхшиланиши аниқланган. Комбинацион агрегатлар ёрдамида 35-40 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиб, пушта остига кузда азотни 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак солиниб, ғўза парваришланганда (2020 й) дастанки ишлов беришдан олдинги (2018 й) ҳолатга нисбатан йиллар давомида олиб борилган агротехнология тадбирларини қисқартирилиши ва ўтмишдош экиннинг илдиз анғиз қолдиқларидан самарали фойдаланиш ҳисобига агрономик жиҳатдан қимматли фракциялар миқдори 3,0-3,3% гача, анъанавий усулда ишлов беришга нисбатанга 1,0-1,1 % гача ортиб бориши, минимал усулда кузги буғдой ҳамда такрорий экинлар етиштириб, ғўза парваришlash учун комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясига нисбатан деярли катта фарқ кузатилмаган (3-расм).



3-Расм. Тупроқга турли усулда ишлов беришни тупроқнинг донадорлигига таъсири % (2018-2020 йй).



4-расм. Тупроқга турли усулларда ишлов бериб, пушта остига суюқ аммиак қўллашнинг тупроқнинг донадорлигига таъсири, % (2020-2022 йй.)

Олиб борган 2019-2022 йиллар мобайнида тадқиқотларда ғўза, кузги буғдой, такрорий экин сифатида ерёнғоқ ҳамда кунгабоқар экинлари, ундан сўнг яна ғўза парваришlash учун ҳам 2022 йили майдон доимий равишда шудгорланганда агрономик жиҳатдан қимматли фракциялар миқдори дастлабки (2019 й) ҳолатга нисбатан 4,3-5,0% гача, дастлаб ғўза парваришланган (2020 й) майдонга нисбатан йиллар мобайнида олиб борилган узлуксиз ҳайдовлар ҳисобига 4,2-3,6% гача ортиб бориши аниқланган. Ерга минимал усулда ишлов бериб, кузги буғдой ва такрорий экинларни парваришlash ресурстежакор агротехнологиясини қўллаб, ғўза парваришlash учун комбинацион агрегат ёрламида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш, пушта остига азотни суюқ аммиак ҳолда 100 кг/га миқдорда қўллаш натижасида дастлабки (2019 й) ҳолатга нисбатан 4,4-5,9% гача, дастлаб ғўза парваришланган (2020 й) майдонга нисбатан ўтмишдош экинларнинг илдиз анғиз қолдиқларини тўлиқ чуқурга қўмилиши ва уларни чириш жараёнини тўлиқ ўтиши натижасида 2,7-2,5% гача ортиши натижасида тупроқнинг донадорлигини яхшиланишига эришилган (4-расм).

Турли усул ва чуқурликда ишлов бериб, ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни етиштиришни тупроқнинг сувга бардошли микроструктурасига таъсири бўйича 2018-2020 йилларда ўтказилган тадқиқотларда дастлабки тупроқнинг донадорлик кўрсаткичлари аниқланганда, ҳайдов (0-30 см) қатламда >2 мм дан катта фракция миқдори 1,9% ни, сувга бардошли фракциялар (<2мм->0,053мм) миқдори 74,4 % ни, < 0,053 мм кичик фракция миқдори 23,7% ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса бу кўрсаткичлар фракцияларга мос равишда 1,8; 73,9; 24,3 % ни ташкил этгани кузатилган (2-жадвал).

Олиб борган тадқиқотда кузги буғдой, такрорий экин сифатида ясмиқ, ерёнғоқ, кунгабоқар, ловия, ундан сўнг шу фонда 2020 йили ғўза экинини парваришlash учун майдон доимий равишда 35-40 см чуқурликда ҳайдов ўтказилганда дастлабки ишлов беришдан олдинги (2018 й) ҳолатга нисбатан сувга бардошли фракциялар миқдорини 4,1% гача ортиб бориши, бу эса ўтмишдош экин турларига (ясмиқ, кунгабоқар, ловия) нисбатан ерёнғоқ етиштирилганда эса 1,2-3,5 % гача ортиб, яхшилангани кузатилган. Кузги

буғдой, такрорий экин сифатида ерэнгоқ етиштиришда ерга минимал усулда ишлов бериб, ғўза парваришлаш учун ресурстежамкор технология, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта остига 100 кг/га микдорда суюқ аммиак солиниб, ғўза парваришланганда сувга бардошли фракциялар микдори йиллар мобайнида олиб борилган мақбул агротехник тадбирлар натижасида дастлабки (2018 й) ҳолатга нисбатан равишда 6,5-4,4% гача, такрорий экин турларига нисбатан 4,3-2,8 % гача, доимий ҳайдов ўтказилган 1-фонга (назорат) нисбатан 2,4-1,4% гача, ғўза парваришлаш учун пушта остига суюқ аммиак солилмаган 4-фонга нисбатан 0,3-0,7% гача, доимий комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта остига суюқ аммиак солинди 5-фонга нисбатан 0,1-0,3% гача ортиб бориши кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ерга турли усул ва чуқурликда ишлов бериб, кузги буғдой, такрорий экинлар, ғўза етиштиришни сувга бардошли тупроқнинг дондорлигига таъсири, % (ҳайдов қатлами).

№	Тупроқга ишлов бериш усули ва чуқурлиги	Фракциялар ўлчами, мм					
		>2	2-1	1-0,5	0,5-0,25	0,25-0,053	<0,053
	Ишлов беришдан олдин (2018 й.)	1,9	5,7	10,2	22,1	36,4	23,7
		Ўзанинг амал даври охири (2020 й.)					
1	Ерни доимий 35-40 см чуқурликда хайдаш+бороналаш+молалаш+ пушта олиш +экиш (Назорат)	2,1	5,9	10,5	22,3	38,6	20,6
2		2,2	5,7	10,1	23,5	39,2	19,3
3		1,8	6,4	10,7	21,8	36,1	23,2
4		2,0	5,9	10,4	22,9	37,9	20,9
5	Ерни доимий 35-40 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликка пушта олиш+экиш	2,3	7,1	12,5	25,4	33,6	19,1
6		2,4	7,8	12,8	26,0	33,4	17,6
7		2,0	6,6	11,8	23,1	34,6	21,9
8		2,2	7,1	12,5	25,5	33,3	19,4
9	Кузги буғдой ва такрорий экинлар учун минимал усулда ишлов бериш (10-12 см чуқурликда) + ғўза парваришда 35-40 см чуқурликда шудгорлаш + пушта олиш + экиш	2,2	6,2	11,1	23,4	37,7	19,4
10		2,3	6,3	11,3	23,9	38,3	17,9
11		1,9	6,1	10,2	21,5	38,2	22,1
12		2,1	6,2	10,9	23,8	37,3	19,7
13	Кузги буғдой ва такрорий экинлар учун минимал усулда ишлов бериш (10-12 см чуқурликда) + ғўза парваришда 35-40 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла 30-35 см баландликда пушта олиш+экиш	2,4	7,2	12,5	25,7	33,3	18,9
14		2,4	7,9	12,9	26,3	33,1	17,4
15		2,1	6,7	11,9	23,3	34,3	21,7
16		2,3	7,2	12,6	25,8	32,9	19,2
